

## VI. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2019 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 25101 тани ташкил қилди.

2019 йил январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 74,1 фоизи (2018 йил январь-июнда 78,7 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2019 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 3745,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 52,5 фоизи) ташкил қилди;

- қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган маҳсулотлари (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 9333,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўсиш суръати 98,9 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklари ялпи маҳсулотининг жамига нисбатан улуши 93,1 фоизи) ташкил қилди.

- 3111,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 67,4 фоизи) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан 130,1 фоизни ташкил қилди.

- 1423,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 98,7 фоизи) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан 144,0 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг ҳажми 525,2 млн.тн.км ўсиш суръати 106,8 фоизни (вилоят жами юк айланмасининг 96,2 фоизи) ташкил қилди, ҳамда йўловчи айланмасининг ҳажми 7226,5 млн.кишини ташкил қилиб ўсиш суръати 102,4 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 97,6 фоизи) кўпайди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 87,2 фоизи ёки 5954,0 млрд. сўми (ўсиш 102,8 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 70,8 фоизи ёки 3854,9 млрд. сўми (ўсиш 104,8 фоиз) шакллантирилди;

- 140,9 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 77,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 439,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 69,4 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2019 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши. фоизда**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	9333,7	93,1
Саноат	3745,8	52,5
Қурилиш	1423,8	98,7
Чакана савдо	5954,0	87,2
Юк ташиш, млн.тн.	22,0	95,8
Йўловчи ташиш, млн.киши	220,9	94,5
Экспорт, млн. АҚШ долл.	140,9	77,2
Импорт, млн. АҚШ долл.	439,3	69,4

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

